

- 3) Жаўынгерлик руўхында: урыс-урыс ойынлар;
4) Драмаластырылған: кино, спектакль хэм т.б. [2:101].

Балалардың ойынларын ойыншықларсыз көз алдымызға келтире алмаймыз. Солай екен, оларға қандай ойыншықларды алып бергеніміз макул? Ата-аналар ойыншық сатып алғанда нелерге итибар қаратыуы керек? Балаларымызға ойыншық алып атырғанда олардың жас өзгешелигине, қыз ямаса ұл бала екенлигине қарап, ойыншықтың сыпатлы, экологиялық-гигиеналық жақтан таза болыуына, ойнау ушын жарамлы, балаға зыян келмеуіне, психикасының раўажланыуына унамлы тәсир етиуіне исеним қабыл етиуі керек. Соның менен бирге баланың өз қалейін есапқа алыуымыз, оның тәрбиясына қандай тәсир етиуін де умытпауымыз керек.

Ойыншықлар бизиң миллийлигимизге, менталитетимизге сәйкес болыуы мақсетке муўапық болады. Бир жастан үш жасқа шекемги балаларды ашық, ақ рендеги, онша қатты болмаған резинка ойыншықлар, сыңғырлауықлар, пластмассадан исленген кубиклер, кишкене топтар, шарлар менен ойнатқанымыз макул болады. Оларды таза ҳаўада алып жүриуимиз, биргеликте ойнауымыз, тәбият қушағында болыуымыз физиологиялық, психологиялық жақтан да жақсы нәтийже береді. Оларға қуяштың, айдың, күлип турған хайўанлардың сүүретлери тусирген ойыншықларды алғанымыз макул. Бул жастағы балалар қатты сеслерден қорқыуы, жумсақ ойыншықлар қолы менен ушлап, аузына салыуы мүмкин, сонлықтан бундай ойыншықларды үш-бес жастағы балаларға ойнатыуы усыныс етиледі. Бала бул жасында «мен» образын аңлап «меники», «өзимдики» деген түсиниклерге ийе болады. Бул дәуирде балалар ойыншықларды бир-биринен жақсы парықлайтуғын, сюжетли, кейиннен ролли ойынларға кирип, олар арқалы өзиниң жәмийетке деген көзқарастарын қәлиплестиреп барады. Балалар ойынның шәртлерине, мазмунына, ондағы өзиниң атқаратуғын роллине, оның талапларына қарап ҳәрекет етеди, ал бул ҳәрекетлерсиз ойын олар ушын қызықлы болмайды. Ойын процессинде бала үлкенлерден көргенлерин өз ис-ҳәрекетлери менен қайталайды. Бул ўақытта олар ата-анасының, бақша апаларының роллине кирип, дослары менен қуўыршақлар арқалы әмелге асырылады. Ал, ұл балалар әкелерине еликлеп, әжағаларының ис –ҳәрекетлерин қайталауы, оларға уксап машина айдауы, жай өриуи, усташылық етиуи қәлеп, оларға еликлейди.

Ойындағы бул өзгерислер баланың ҳәр тәрәплеме раўажланыуына, ҳәрекетли-образлы ойлауына, дыққатының турақласыуына, кейинирек болса еркли дыққатқа өте баслауына, қабыл етиуіне, ойлауының раўажланыуына өзін мақсетке бағдарлауға, шыдамлы болыуға үйретип барады [3:32].

Баланың жасы өсип барған сайын ойынның мүддети де узарып барады. Усы процессти изертлеген А.П.Усованың пикиринше үш-төрт жасар балалардың ойын хызмети 10-15 минут, төрт-бес жасар балалардың ойын хызмети 40-45 минут, буннан үлкен мектепке шекемги жастағы балалардың ойынлары бир неше саатқа созылыуы мүмкин. Буннан

Әдебиетлар

1. Ғозиев Э. Психология.. (Ёш даврлари психологияси). -Ташкент: 1994.
2. Камиллова Н.Г. Детская психология. -Ташкент: 2003.
3. Қлычева З., Хамидова А.Х. Жас айырмашылық психологиясы -Н.: 2003.

Ушбу мақола мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида ўйин фаолияти ва ўйинчоқларнинг тутган ўрни, болаларнинг ёш даврларида ўйинчоқларни тугри танлаш хусусида ота-оналарга маслахатлар, бола тарбиясида эртақларнинг моҳияти кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о роли игрушек и игровой деятельности в воспитании детей дошкольного возраста, даются советы родителям о правильном выборе игрушек для детей в ранний период и важности сказок в воспитании ребёнка.

SUMMARY

The article is about the role of toys and game activities in the upbringing of preschool children, the author gives advices for parents about child's correct choosing of toys at early period, the essence and importance of fairy tales in the upbringing of the child.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Нажимова - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: рецептив нуткий фаолият, репродуктив машқлар, рецептив машқлар, махсулдор (ижодий, амалий) машқлар.

Ключевые слова: рецептивная речевая деятельность, репродуктивные упражнения, рецептивные упражнения, результативные (творческие, практические) упражнения.

Key words: receptive speech activity, reproductive exercises, receptive exercises, productive (creative, practical) exercises.

Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш ушбу ўқув фанини ўқитишдан кўзланадиган асосий мақсадлар сирасига киради. Ушбу мақсадни рўёбга чиқаришда она тилидан яратилган

тысқары ойын катнасыўшыларының саны баланың жасының өсиуіне, жынысый өзгешеликлерине қарап кенейип барады: 1) үш жасар балалар 2-3 топарға бирлесип 3-5 минут бирге ойнай алады; 2) 4-5 жаслы балалар топары 2-5 катнасыўшыдан ибарат болып, олардың биргеликтеги ойыны 40-50 минут даўам етеди, ойын даўамында катнасыўшылар саны кенейип барады; 3) алты-жети жасар балаларда ролли ойынды топар яки команда болып бирге ойнау тилеги пайда болады, нәтийжеде алдыннан роллер бөлистириледі, ойынның қағыйдалары хэм шәртлери түсиндириледі [2:103].

Төрт хэм бес жастағы балалар ролли хэм сюжетли ойындарды кенирек пайдаланады. Бул жаста олар сүүрет салыуы, лево, мазайка хэм ҳәр түрли қурастырылатуғын, жыйналатуғын кубиклерден өзлери ушын қызықлы ойыншықлар соғып, қурастырады. Бул дәуирде олар пластиннен, ылайдан ҳәр түрли адам хэм хайўанатларды, күнделикли турмыс буйымларын жасап, бир-бириниң ҳәрекетлерин тәкирарлап ойнайды. Мектепке шекемги жастағы балалардың психикалық жақтан раўажланыуында, олардың билюў укыпшылықларын раўажландырыуға балалар бақшасының жоқары топарларда өткерилетуғын дидактикалық ойындар хэм арнаулы шынығыулар үлкен әҳмийетке ийе.

Бес-жети жастағы дәуир бул мектепке таярлау дәуири болып, олар тийкарынан реңди қағазлар, сүүрет дәптерлер, сүүретлерге бай ертекем китаптар, ҳәр түрли жазыу тахталары реңди қәлемлерден пайдаланады. Деген менен, олар еле ойын баласы, олар еле леволарды ойнайды, қуўыршақлар менен ойнайды, дослары менен далада, көшеде ойнағанды қәлейди. Соның ушын балаларға көшеде ойналатуғын миллий ойынларымызды үйретиу, биргеликте қызықлы ойындар ойнауымыз бенен кеўлине жол таўып қуўанышына шерик боламыз. Бала қайсы жас дәуириде болыуына қарамастан ертекемлер еситиуи, мультфильмлерди тамаша қылыуи жақсы көреді, ишиндеги унамлы ҳәраманларға уксауи қәлейди. Келешекте солардай болыуи қыялынан өткереді оларға уксап ҳәрекетлер етеди. Сонлықтан мультфильмлерди көргенде олар менен биргеликте көриу үлкенлердиң бақлауы астында болыуи, биргеликте тамаша етип, болып атырған ўақыя ҳәдийселерди дурыс талқылап бериуимиз керек. Миллийлигимизге жат болмаған, бала тәрбиясына унамлы тәсир жасайтуғын мультфильмлер қойып бериуимиз биз күткен нәтийжени бериуи мүмкин.

Биз балалар дүньясын, олардың әлемин ойыншықларсыз көз алдымызға келтире алмаймыз. Ойыншықлар арқалы бизлер олардың нелерге қызығатуғынлығын қайсы затларды яки кимлерди көбирек жақсы көретуғынлығын хэм оларға унамсыз ис-ҳәректлерди де бақлауға болады. Олар ойын даўамында өзлери қәлеген қәсип ийелерине айланыуи, өзлери жақсы көрген адамлардың образына кириуи көриуимизге болады. Ал, балалардың қандай ойыншықлар менен көбирек ойнауына итибар қаратсақ нелерге укыпшы екенлигин аңлауымызға болады. Сонлықтан да бала өмиринде ойын хэм ойыншықлардың орны жүдә әҳмийетли, ойыншықлар алғанымызда ҳәр биримиз итибарлы болыуымыз, ертекемлер айтқанымызда олардың тәрбиясына тәсир ететуғынымызды умытпауымыз керек.

этишни биринчи галдаги вазифа деб билади, баъзида уларга ижодий ёндашиб, ўзи маъқул деб ҳисоблаган иш турларини қўшимча равишда дарс жараёнига олиб киради.

Машқларнинг нутқ ўстиришдаги аҳамияти бир хил эмас. Юкорида таъкидланган мавқеда туриб нутқ ўстириш йўналишлари ва имкониятларини нутқий фаолият турлари ўртасидаги нисбатга қўра аниқлаш қулай деб топилди. Шу мақсадда таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар учун она тилидан яратилган дарсликларнинг машқларини қуйидаги уч турга ажратиб чиқдик:

- 1) рецептив нутқий фаолият характерида бажариладиган машқлар (қисқача – рецептив машқлар);
- 2) репродуктив нутқий фаолият характерида бажариладиган машқлар (репродуктив машқлар);
- 3) маҳсулдор нутқий фаолият характерида бажариладиган машқлар (қисқача – маҳсулдор машқлар).

Она тилидан 2010-йилгача яратилган дарсликларда [11; 10; 1; 2; 12; 9; 6; 4] назарий билим ва турли топшириқлар асосидаги рецептив, репродуктив ва маҳсулдор машқлардан иборат этиб тузилган. Лекин бугунга қадар ушбу машқларнинг ўзаро қандай нисбатда берилгани таҳлил қилиб чиқилмаган.

Ифодаларни пасив даражада эслаб қоладилар. Шунга қўра ҳам буларнинг ҳаммаси рецепция саналади.

Рецептив машқлар нутқ ўстириш борасида ҳамма вақт ҳам самара беравермайди. Масалан, рецептив машқ турларидан бири расмга қараб унда тасвирланган предмет, иш-ҳаракат, белгилари аташ билан боғлиқ. Бундай машқлар яхши таниш, шунингдек, имло қийинчилиги бўлмаган сўзлар асосида ташкил этилган бўлса, улар ўқувчиларнинг сўз бойлигини қутилганидек оширмайди, нутқини ривожлантирмайди.

Амалга оширилган таҳлиллардан маълум бўлишича, таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфларнинг 1–4-синфлари учун она тилидан яратилган дарсликларда берилган рецептив машқлар миқдори кўп. Агар иккала тилдаги бошланғич синфлар дарсликлариди жами 2551 машқ тавсия этилган бўлса, шуларнинг 2204таси (86,6%) рецептивдир.

Рецептив машқларнинг бу даражада кўплиги репродуктив ва маҳсулдор нутқий фаолият турларини ривожлантириш учун вақт имкониятини ниҳоятда чегаралаб, бу ишни мушкул қилиб қўяди.

Репродуктив машқ турлари: матнни ўқиб мазмунни юзасидан саволларга жавоб қайтариш; матнни ўқиб мазмунини қайта ҳикоя қилиш талаб этиладиган машқлар ўқувчиларнинг нутқини ўстириш учун пойдевор яратиши лозим. Бу машқлар нотаниш сўзларни, грамматик воситаларни, синтактик қурилмаларни фаоллаштириш, уларнинг ифодали талаффуз қилиниши устида ишлаш йўлидаги дастлабки қадам саналиб, бу қадам кўникма ҳосил қилиш босқичини намойён этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, она тилидан яратилган дарсликларда репродуктив машқлар миқдори ниҳоятда кам. Уларда жами 2551 машқнинг 104 таси (4,1%) репродуктив саналади. Ушбу 104 машқнинг 55таси саволларга жавоб бериш, 49таси матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш талабига эга.

Таъкидлаш лозимки, бундай машқлар таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 4-синф «Ана тили» дарслигида умуман кўзга ташланмайди.

Саволларга жавоб бериш талаб этиладиган машқларнинг сифати ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда ўқувчиларнинг мустақил фикр юритган ҳолда жавоб қайтаришлари бериладиган имкониятни назарда тутишимиз тўғри бўлади. Дарсликлардаги машқ материаллари шундай тақдим этилганки, ўқувчи саволларга жавоб бериш учун тайёр гапни такрорлайди, баъзан эса саволдаги сўзлардан фойдаланиб ҳеч бир қийинчиликсиз жавоб қайтаради. Шу жиҳатдан қараганда бундай машқлар бажарилишида ўқувчилар мустақиллиги оз даражадаги репродуктив нутқий фаолиятни ифода этади.

Методик қўлланмалардаги [7; 8;] дарс ишланмаларида матн мазмунни юзасидан ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавоб намуналарига катта ўрин ажратилган. Дарҳақиқат, дарсликда матн мазмунни юзасидан саволлар берилмаган бўлса-да, ўқитувчи уларни ўзи тузиши мумкин.

Матнни ўқиб мазмунини қайта ҳикоя қилиш талаб этиладиган машқларга дарсликларда оз ўрин ажратилган (энг кўпи 12 та, энг ками 1 та). Машқларнинг бу туридан етарли даражада фойдаланмаслик нутқ ўстиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилиб ўрганмаган, ушбу тайёргарликдан ўтмаган ўқувчи баёни ҳам қутилганидек ёза олмайди.

Дарсликларда матнни ўқиб, мазмунини сўзлаб бериш талаб этиладиган машқларни тавсия этишда баъзан

узлуқсизлик принциpidан четга чиқилган. Агар 2-синф «Ана тили» дарслигида бундай машқлар 10 та бўлса, 3-синф дарслигида атиги 4тадир. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш сўраладиган машқларнинг бу хилда синфдан синфга қамайиб боришининг нутқ ўстириш ишига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Дарсликда матнни ўқиб мазмунини сўзлаб бериш сўраладиган машқларнинг сифатида тўхталадиган бўлсак, уларда – ўқувчилар мустақиллигини оширишга имкон бермайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим, уларнинг аксарият қисмида қайта ҳикоя жараёнини енгиллаштириш учун саволлар тавсия этилган, яъни машқни саволларга жавоб бериш тарзида бажариш кўзда тутилган.

Тайёр саволлардан фойдаланмаган ҳолда матн мазмунини сўзлаб бериш талаб этилса, ўқувчи матнни ўзгартириб, ўз «сўзлари» билан гапириб беришга ҳаракат қилади. Ана шу жараён нисбатан мустақил нутқий фаолиятга яқин келади.

1-синф «Қазақша тілі» дарслигида матнни ўқиб мазмунини сўзлаб бериш талаб этилган айрим матнларда қайта ҳикоя қилиш учун режа ҳам, саволлар ҳам келтирилмаган. Кўринадики, дарсликда бу борада ўқувчиларга тўла мустақиллик берилган. Лекин саволларга жавоб бериш сўралган машқда (18-§, 1-машқ) жавоб сўзлар бериб қўйилган. Расмга қараб саволларга жавоб ёзиш машқларида ўқувчи жавоб сўзини расмдан ёки керакли сўзлар рўйхатидан топади: 19-§, 3-; 20-§, 13-; 23-§, 7-; 24-§, 15-машқлар. Баъзи саволларгагина бериладиган жавобни ўқувчининг ўзи топиши керак бўлади: 20-§, 1-машқ.

Репродуктив машқлар таҳлилига ҳулоса қиладиган бўлсак, таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфлари учун 2010-йилгача она тилидан яратилган дарсликларда ушбу турдаги машқларга (саволларга жавоб бериш, матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш) етарли ўрин ажратилмаган. Матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш сўралган машқларнинг аксарият қисмида саволлар, жавоб сўзлар бериб қўйилган. Бундай ҳолатлар ўқувчиларнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиб, нутқ ўстириш учун мустақкам пойдевор яратиш ишларидаги камчиликларга озми-кўпми сабабчи бўлиши мумкин.

Маҳсулдор (ижодий-амалий) машқлар зиммасига нутқий кўникмаларни шакллантириш вазифаси юкланади. Бундай машқлар нутқ ўстиришнинг асосий омилли ҳисобланади. Таҳлиллардан маълум бўлишича, дарсликлардаги жами 2551 машқнинг 243 таси (9,3%) маҳсулдор саналади. Маҳсулдор машқлар икки турга ажратилади: берилган сўзлар иштирокида гап тузиш; берилган мавзуда матн тузиш ёки сўзлаш (ҳикоя қилиш). 243 машқнинг 171таси берилган сўзлар иштирокида гап тузиш, 72таси берилган мавзуда матн тузиш ёки сўзлаш (ҳикоя қилиш) талабига эга.

1-4-синф дарсликлариди берилган сўзлар иштирокида гап тузиш талаб этиладиган машқлар ўқувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш нуктаи назаридан икки хил ҳолатда тақдим этилган:

1) берилган сўз асосида гап тузиш учун таянч ёки тарқоқ сўзлар тавсия қилинмаган, яъни ўқувчилардан вазифани тўлиқ мустақил адо этиш талаб этилган;

2) гап тузиш учун таянч шаклдаги тарқоқ сўзлар бериб қўйилган, яъни ўқувчиларнинг тўлиқ мустақиллиги кўзда тутилмаган.

Таъкидлаш лозимки, таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 1-синфи учун яратилган дарсликда берилган сўзлар иштирокида ёки расмлар асосида гап тузишга доир машқларда (12 та машқ) ўқувчиларга тарқоқ сўзлардан иборат таянч ҳавола қилинмаган, яъни улардан тўлиқ мустақиллик талаб этилган.

2-синф «Ана тили» дарслигида ҳам 46-машқни инобатга олмганда бошқа машқларда тарқоқ сўзлардан иборат таянч келтирилмаган. Бундай муносабат 3-синф дарслигида ҳам давом эттирилган. Унда ҳам 192, 198-машқлардан ташқари, бошқа машқларда гап тузиш учун тарқоқ сўзлар берилмаган.

4-синф «Ана тили» дарслигида гап тузиш талаби бор барча машқларда ўқувчилардан тўлиқ мустақиллик намойён қилиш вазияти яратиб берилган, яъни машқларнинг бирортасида тарқоқ сўзлардан иборат таянч келтирилмаган.

Берилган сўзлар иштирокида гап тузишга доир машқларнинг айримларида (3- ва 4-синфларда) намуналар берилган. 3-синф дарслигида 166, 212, 235, 264-машқлар; 4-синфда 72, 106-машқлар.

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфлари учун она тилидан яратилган дарсликларда бирмунча фарқли манзарани кўришимиз мумкин. Бу дарсликларда тарқоқ сўзлардан гап тузиш талаб этиладиган машқлар кўпроқ.

1-синф «Она тили» дарслигида машқлар асосан сўроқ сўзлар ўрнига жавоб сўзларни қўйиш характерида. Бундай

машқлар жавоб сўз танлаш ва гапга киритиш, бир сўзнинг иккинчи сўзга бириктиришига караб сўз танлашдан иборат мустақилликни тақозо этади, холос. Лекин ўқувчилар ўзлари мустақил равишда гап тузмайдилар. Машқ шартидоғина гап тузишга доир талаб бор, аммо аслида бундай машқлар гап ҳосил қилиш деб номлангани тўғри бўлади. Масалан, 112-машқ шартини олайлик. Berilgan so'zlardan bir-biriga mosini tanlab gaplar tuzing va yozing. Gaplarni bosh harf bilan boshlang (62-bet).

Сўз иштирокида гап тузиш бирмунча ўйлашни тақозо этгани учун ҳам бир қадар ижодий саналади. Шунинг учун гап тузиш нутқ ўстиришининг асоси саналади. Маълумки, боғла-нишли нутқ (матн) гаплардан уларни ўзаро боғлаш асосида яратилади. Шундай экан, ўқувчи биринчи навбатда хилма-хил синтактик курилмаларни вужудга келтира олиши керак. Лекин бундай машқлар дарсликларда ниҳоятда оз. Бу деган сўз, аксарият она тили дарслари гап тузиш машқларисиз ўтади.

Маҳсулдор нутқий фаолиятини ривожлантириш учун хизмат қилувчи машқларнинг навбатдаги тури – **берилган мавзуда сўзлаш, ўзаро сўзлашиш (ҳикоя қилиш, матн тузиш)**. Дарсликларда бундай машқлар кам. Айниқса, бир синфда ўқув йили мобайнида атиги 2, 3, 6 ёки 9 марта ушбу машқ турига мурожаат этиш ўқувчилар нутқини ўстириш ишида самарадорлигининг тушиб кетишига сабаб бўлиши табиий. Бундай машқларнинг 2-синф «Она тили» дарслигида 15та, 3-синф «Она тили» дарслигида 19 та, 4-синф «Она тили» дарслигида 16та

Адабиётлар

1. Даёнов Е., Успанова Ж., Абдижаббаров Х. Қарақалпақ тили. Грамматика, орфография ҳам тил ёсириў. 3-класс ушын сабақлық. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2008, 144-б.
2. Даёнов Е., Успанова Ж. Ана тили. Грамматика, дурис жазыў ҳам тил ёсириў. 4-класс ушын сабақлық. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 2009.
3. Икромов Р., Гуломов Х., Юлдошева Ш. ва бошқалар. Она тили: 4-синф. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2007, 192-б.
4. Фузайлов С., Худойбергенова М. Она тили. 3-синф учун дарслик. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2005.
5. Худойбергенова М. ва бошқалар. 3-синфда она тили дарслари: Ўқитувчилар учун методик кулланма. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2004, 128-б.
6. Косимова К. ва бошқалар. Она тили: 2-синф: Методик кулланма. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1998, 114-б.
7. Косимова К. ва бошқалар. Она тили : 2-синф учун дарслик (Косимова К., Фузайлов С, Нематова А). 9-нашри. –Тошкент: Чулпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008, 128-б.
8. Қутлимуратов Б., Хожамуратова Ана тили. Грамматика, орфография ҳам тил ёсириў. 2-класс ушын сабақлық. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2008.
9. Қутлимуратов Б. Қарақалпақ тили. Грамматика, орфография ҳам тил ёсириў. 1-класс ушын. 10-баслыўы. – Нөкис: «Билим», 2008, 96-б.
10. Гаффорова Т. ва бошқалар. Она тили: 1-синф учун дарслик /Муалл. Гаффорова Т., Шодмонов Е., Гуломов Х. -Т.: «Sharq», 2009.
11. Гуломов Х. ва бошқалар. 4-синфда она тили дарслари: (Услубий кулланма). Муалл. Гуломов Х., Юлдошева Ш., Шерматова У. - Тошкент: «Ўқитувчи», 2003, 160-б.

Мақолада таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфларида шу синфлар учун она тилидан яратилган дарсликларнинг ўқувчилар нутқини ўстириш учун берадиган имкониятлари, бу имкониятларнинг рецептив, репродуктив ва маҳсулдор машқ турлари нисбатига боғлиқлиги баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются возможности, которые помогают развитию речи учащихся по учебникам родного языка, созданных для начальных классов школ с каракалпакским и узбекским языком обучения, а также рассматривается связь этих возможностей с рецептивной и репродуктивной точки зрения и видами результативных упражнений. В действующих учебниках приводятся цифры указывающие на малое количество репродуктивных и результативных упражнений.

SUMMARY

The article deals with the possibilities which help to develop the pupil's speech in textbooks in the native language, created for teaching elementary classes of schools in the Karakalpak and Uzbek languages. The author also studies the connection of possibilities with the receptive and reproductive points of view and kinds of productive exercises. In the textbooks there is data showing the quantity of reproductive and productive exercises.

УЛҒУМА БИЛИМЛЕНДИРИҒ МЕКТЕП ЖАСЫНДАҒЫ БАЛАЛАРДА ТӘЛИМ -ТӘРБИЯ ЖУМЫСЛАРЫНЫҢ НӘТИҒЖЕЛИЛИГИН АСЫРЫҒЫҢ АХМИЙЕТИ

А.Нурланов – үлкен оқытушы

Ш.Жумамуратов - география оқытуы методикасы қәнигелигиниң 3- курс талабасы

Әжанияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: мактаб, жамоа, педагогика, психология, таълим, тарбия, маданият, табиат, фауна, флора, педагогик технология, социология, идеология, ижтимоий мухит, комил инсон.

Ключевые слова: школа, коллектив, педагогика, психология, образование, воспитание, культура, природа, фауна, флора, педагогическая технология, социология, идеология, социальная среда, личность.

Key words: school, society, Pedagogics, psychology, education, upbringing, culture, nature, flora, fauna, pedagogical technology, sociology, ideology, social sphere, personality.

Ўзбекистан Республикасы Олий Мажлисининг IX сессиясында Президент И.А.Каримовтың баян еткениндей «Хэр бир мәмлекет, хэр бир миллет тек өзининг жер асты жер үсти тәбийий байлықлары, эндирислик потенциалы хэм әскерий күшлери менен емес, ал биринши гезекте өзининг жоқары мәдениятлылығы хэм руўхыйлығы менен күшли» деген еди [1:117].

Усыған тийкарланып республикамызда халық билимлендириў тараўларында қабыл етилген «Билимлендириў ызамаы» хэм «Қадрлар таярлаўдың миллий бағдарламасы»н әмелге асырыўдың нәтиҗе берий басқышында республикамыздың келешегин белгилейтуғын билимни, жоқары мәдениятлы, руўхый бай жетик әуладларды тәрбиялап шығарыўдай әҳмийетли

әканлиги уларни кўпайтириш керак эмес деган хулосани бермайди.

Машқларнинг сифатини туширадиган айрим ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, 2-синф «Ана тили» дарслигида икки машқда (7- ва 84-машқларда) сўзлаш талаб этилган бўлса, иккаласида ҳам сўзлар берилган. Бу нарса ўқувчилар мустақиллигини нисбий қилиб қўяди.

Қорақалпоқ мактабларининг 4-синф «Ана тили» дарслигидаги бта машқнинг ҳаммаси мустақил бажаришни тақозо этади, чунки бу ерда таянч сўзлар тавсия этилмайди.

Дарсликда эркин сўзлашга бирмунча монелик кўрсатадиган ҳолат матнларнинг мавжудлигидир. 9та машқ материали сифатида матн ҳам берилган, айримларида режа ҳам келтирилган.

Шундай қилиб, бошланғич синфлар учун она тилидан 2010-йилгача яратилган дарсликларда маҳсулдор машқлар кам эканлигини билган ўқитувчи нутқ ўстириш вазифаларини муваффақиятли бажариш мақсадида қуйидагиларни ижодий равишда ҳал этмоғи даркор: дарсликлар шариотида бевосита маҳсулдор нутқ ўстириш учун хизмат қиладиган машқ турларини кўпайтириш; гап тузиш машқларида тарқоқ қилиб берилган сўзлардан иборат таянчни қамайтириш; матн тузиш ёки ҳикоя қилиш талаб этиладиган машқларда сўзлар рўйхатини чегаралаш; расм асосида матн тузиш машқларида тайёр матндан иборат таянчни қамайтириш.